

Мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишилди



Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз туманидаги 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти, ҳудудда олиб борилган ободонлаштириш ишлари билан танишди ва болажонларнинг таълим-тарбия олишлари, овқатланиши ва дам олиши учун зарур шароитларнинг яратилганлигини кўздан кечирди.

Соҳанинг тумандаги масъуллари билан мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнларини тўғри ва сифатли йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли вазифа ва топшириқлар берилди.